


## Жажжи автомобилларда катта пойгалар

ДОСААФ республика бирлашган техника мактаби таъсис этган кубок Сирдарё области картингчиларига доимий сақлаш учун топширилди. Асосан Гулистон автомактаби спортчиларидан тузилган команда (тренер Равшан Ҳайдаров) сурункасига тўртинчи йил Ўзбекистон биринчилигининг ғолиби бўлди. Фахрли шоҳсупанинг иккинчи поғонасини Тошкент терма командаси эгаллади. Бу команда асосан Ҳамза район спорт-техника клуби аъзоларидан ташкил топган. Қолган 12 командадан ўзиб кетган наманганлик спортчилар учинчи ўринни олдилар.

Мусобақада республика областлари терма командалари билан бирга тошкентлик картингчилар — автомобиль транспорти ва йўллари институти, болалар ва ўсмирлар спорт-техника мактабининг талабалари, шунингдек Янгиер спорт-техника клубининг қатнашчилари иштирок этдилар. Беллашувлар двигателининг ҳажми 125 куб сантиметр бўлган уч классдаги машиналарда ўтказилди.

Янгиер картодромининг трассаси спортчилар учун жиддий «имтиҳон» бўлди. Бу ерда нафақат жисмоний, балки ирода сифатлари ҳам синовдан ўтди. Пойга муваффақияти кўп жиҳатдан техника тайёрлиги даражасига ҳам боғлиқ эди. Бунинг нақадар муҳимлигини эркин конструкциядаги (узатиш коробкаси бўлмаган) двигателли жажжи машиналар классидаги беллашувлар кўрсатиб берди.

**Жонажон Ватан бўйлаб**

## Манипуляторли кран

✦ ЛЕНИНГРАД.

«Ленподъемтрансмаш» бирлашмасида янги турдаги кўтарма техникани кўплаб ишлаб чиқариш бошланди. Манипулятор билан жиҳозланган кўприк кранлари бир неча тонна оғирликдаги юкни одам иштирокисиз кўтариб, зарур жойга аниқ жойлаштириб қўйиши мумкин. Ана шундай ускунанинг саноат корхоналари цехларида жорий этилиши туфайли бундай иш билан машғул бўлган бригадаларни бошқа юмушларга кўчириш имконияти яратилади. Янги техниканинг дастлабки туркуми бугун Челябинск шаҳри металлургларига жўнатилди.



МОСКВА. Ривожланган экономика ва социал ютуқлар — булар бир медалнинг икки томонидир. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида очилган «Қишлоқнинг иқтисодий ва социал ривожланиши— СССРда озиқ-овқат программасини ҳал этишнинг муҳим омилидир» деб номланган соҳалараро кўргазма бу фикрни исботлаб турибди. Унда қишлоқ хўжалиги техникасининг янги намуналарини намойиш этишга кенг ўрин берилган. Виставка КПСС XXVII съездига бағишланган.

СУРАТДА: янги экспозициясининг умумий кўриниши.

В. Созинов ва Г. Хамельянин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

## Газ келди

✦ УРГАН.

Область қишлоқларига Уренгой конининг гази келди. Бугун Долматов районида тежамли ёнилғида ишлайдиган қозонхона ишга солинди. Ўн иккинчи беш йилликда областда қишлоқларни газлаштиришнинг кенг кўламдаги программаси амалга оширилади. Қурувчилар колхоз ва совхоз марказларига Уренгой— Тюмень — Челябинск магистралидан юзлаб километр узунликдаги газ қувурларини ётқизадилар.

## Шанбалик ҳисобидан

✦ ВИННИЦА.

Винницадаги Н. И. Пирогов номли область клиник касалхонаси ҳузурида очилган поликлиника коммунистик шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига қурилди. Унинг кабинетлари ва лабораториялари замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган бир қанча янги бўлимлар очилган. Илгари касалхонага ётқизишга тўғри келган кишиларга эндиликда амбулатория ёрдамини кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Қишлоқ жойлардан келиб узоқ текширувдан ўтадиганлар учун поликлиника ҳузурида ошхона, пансионат ишлаб турибди.

## Автомат система

✦ ЙОШКАР-ОЛА.

Мари АССР пойтахтида йўл ҳаракатини бошқарувчи автомат система жорий этилди. ГАИнинг ягона диспетчерлик пультидан туриб йўллардаги тартиб ва хавфсизлик назорат этиб борилади. Бу нарса транспортни «яшил тўлқин» принципи бўйича энг қулай ҳаракат режими билан таъминлашга, чорраҳаларда тўхташ сонини камайтириш, бинобарин, ёнилғини тежашга имкон беради.



Лангепас Ханти Манси ўлкасининг табиати ўзига хос мафтункор жойлардан бири. Илгари бу ерга фақат овчилар қадам ранжида қилишарди. Бугунги кунда унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Ғарбий Сибирнинг дастлабки нефть конларини кашф этган геологлардан кейин бурғиловчилар ишга киришдилар. «Урьевнефть» газ қазиб чиқарувчи бошқарма дастлабки нефтни қазиб чиқара бошлади.

Бугунги кунда Лангепас замонавий шаҳарга айланиб бормоқда. Унда нефтчилар, йўлсозлар, бинокорлар замонавий ва шимол иқлимига мосланган махсус кўп қаватли уйларда истиқомат қилмоқдалар. Болалар учун икки ўрта ва битта музика мактаби, ёш техниклар клуби, тўртта болалар комбинати қурилди.

СУРАТДА: монтажчи Александр Шкиай оиласи—рафиқаси Таисия ва қизи Вика билан сайрда. Улар бу шаҳарнинг «кекса» кишилари бу ерга биринчи бўлиб келишган.

Н. Желудович фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

# «Оқшом»га ХАТЛАР

**Минг бир касб**

## Чинни устаси

Яқинда Тошкент чинни заводида бўлганимизда бир қатор ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирдик. Бу ерда қолиплаш цехидан чиққан буюмлар печда пиширилиб, саралашдан ўтказилади. Сўнг улар чинни суюқлиги (глазуль) билан сирлангач, биз кундалик рўзғоримизда ишлатадиган чиннига айланади. Мана шу муҳим операцияни бажараётган ишчилар орасида ўз касбининг устаси бўлган пешқадамлар кўп. Шулардан бири Мукамбар Солиҳовадир. Унинг заводда меҳнат қилаётганига йигирма йил бўлди.

Чинни буюмлар Мукамбар опанинг қўлидан ўтгач уларга турли хил гуллар солинади. Кейин яна бир марта печга қўйилади. Ана шундан сўнг рўзғоримизнинг кўрки ҳисобланган чойнак ва пиёла, лаганлар тайёр ҳолга келади.

Мукамбар опа смена ва ойлик топшириқларини мунтазам 115—120 процентга етказиб бажариб, асосий маҳсулотни фақат аъло сифатда тайёрлаяпти

Мукамбар Солиҳова ўн фарзанднинг онаси. Унга «Қаҳрамон она» унвони берилган. Илғор ишчининг фарзандлари ҳам ўзи сингари меҳнатсевар, одобли.

Опанинг умр йўлдоши, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Қудрат Солиҳовнинг ҳам «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида обрў-эътибори юқори. Аҳил оилада ажойиб фарзандлар вояга етмоқда. Бу хонадонга ҳамма ҳавас билан қарайди.

М. ИКРОМОВА,
133-ўрта мактаб ўқитувчиси.

**Маданият хабари**

## Мактабда учрашув

Кейинги пайтда мактабларда болалар шоирлари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш оммалашиб бормоқда. Яқинда Собир Раҳимов районидаги С. М. Будённий номли мактабда шоир Темур Убайдуллаев, Муҳаббат Ҳамидовалар меҳмон бўлишди. Улар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Кечада шунингдек мактабнинг собиқ ўқувчилари С. Муродов ва Т. Содиқовлар ҳам иштирок этишиб, кейинги иш фаолиятлари ҳақида сўзлаб беришди.

Д. ТОЛИПОВА.

**Фотоахборот**

## Янги микрорайон

Юнусобод массивида янги СБ-5 микрорайони қад кўтараяпти. Бу ерда қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси коллективи олиб боряпти. Бир қатор ёрдамчи пудратчилар бошқарма қурувчиларига яқиндан кўмак бермоқда. Шу кунгача микрорайонда 5 та янги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Бир йўла икки бинода эса сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу микрорайон ёнгинасида Тошкент Ҳалқа йўли чеккасида яна бир янги СБ-3 микрорайони бунёд этиляпти. Бу ерда 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармасининг қурувчилари ишлашяпти.

Келажакда бу иккала микрорайонда 20 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда яшовчилар учун барча қулайликлар яратиш кўзда тутилган. Биринчи навбатда магазин, болалар боғчалари ва мактаб бинолари қурилади. Бундан ташқари маиший хизмат пунктлари, ошхона, китоб магазинлари қад кўтаради.

СБ-5 микрорайонидаги қурилаётган биноларнинг пойдеворини тиклашда Борис Куон бошлиқ бригада аъзолари ибрат кўрсатишяпти. Бинонинг юқори қисмини эса биринчи уйсозлик комбинатининг 2-монтаж бошқармасига қарашли Н. Фетисов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари монтаж қилишмоқда.

— Биноларга сайқал беришда 1-уйсозлик комбинатининг 1-пардозлаш ва 21-қурилиш бошқармаларининг Г. Федулова ва Г. Ситникова бошлиқ бригада коллективлари жонбозлик кўрсатишяпти, — дейди биз билан бўлган суҳбатда катта прораб Йўлдош Ҳошимхонов. Пардозчилар биринчи кварталда учта уйни сифатли пардоздан чиқариб, истиқомат қилувчиларни хушнуд этишмоқчи. Қурилишда монтажчи Г. Тен, кранчи, коммунист, ўн биринчи беш йиллик мусобақа ғолиби Н. Усмонов, 21-қурилиш бошқармасининг прораби Т. Иброҳимовлар ибрат кўрсатиб ишлашяпти.

СУРАТДА: 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси пардозчилари Г. Ситникова, Г. Маҳкамов, Г. Сафина, Г. Безбородовалар.



**Оталар жасорати унутилмайди**

## Қизил Юлдуз ордени кавалери

МЕЛИВОЙ Миртожиев 1939 йили кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига жўнади. У ҳарбий таълимни Белоруссиянинг Ричица шаҳрида олди. Кейин у 59-махсус отлиқ батальонда разведкачи бўлиб хизмат қила бошлади.

1941 йил 22 июнда Гитлер фашистлари хиёнаткорона бостириб кирганда Меливой кўпмиллатли улуғ совет халқининг ҳар бир кишиси қатори Ватан ҳимоясига отланди.

Катта сержант М. Миртожиев хизмат қилаётган рота жангчилари фашистларнинг биринчи ҳужумига қарши мардонавор жанг қилдилар. Жанг вақтида катта сержант Меливой Миртожиев қаттиқ яраланди. Уни Могилёв шаҳридаги госпиталга юборишди. Душман 1941 йил 23 июлда Могилёвни босиб олди. Шу куни уни Орёл шаҳридаги госпиталга кўчиришди. Фашистлар энди Орёлга ҳужум бошлади. Бу ерда душман қаттиқ қаршиликка учради. Халқ қўлига қурол олиб, жонажон шаҳрини ҳимоя қилди. Минглаб фашист жаллодлари ер тишлади, кўплаб самолёт ва танки яксон этилди.

Йиртқич душманнинг кучи ҳали қирқилмаган, қонсираган гитлерчилар шаҳар ва қишлоқларимизга ўт қўйиб, бегуноҳ одамларни ўлдирарди. Душман Донецк фронтида жуда катта талафотга учради, минглаб аскари, самолёти ва танкидан ажралди. Жангда Меливой аканинг қўлига душман ўқи тегди. У кўп қон йўқотди. Ҳушсиз ҳолда уни Саратов шаҳридаги госпиталга олиб келишди.

Қўли тузалгач, у 1942 йил ноябрь ойида Калинин фронтига юборилди. У махсус артиллерия-пулемёт ротасида хизмат қилди. Баренц денгизидан Қора денгизгача бўлган жуда катта территорияда даҳшатли жанг давом этарди.

Фашист галалари қадимий Старая Русса шаҳрида ҳам қаттиқ қаршиликка учради. Душман тинмай шаҳарни ўққа тутар, осмондан ҳужум қиларди. Қизил Армия ва маҳаллий аҳоли шаҳарни мардонавор ҳимоя қилди. Олти кеча-кундуз давом этган қонли жанг вақтида катта сержант М. Миртожиев яна яраланди. Сўнг у Киров шаҳридаги госпиталда даволанди. Соғайиб чиққач, у Белоруссия фронти инженер-техник қўшинлари сафида хизмат қила бошлади.

УНИНГ бундан кейинги жанговар фаолияти довюрак инсон, урушнинг стратегия ва тактика йўлларини яхши билган капитан Шапран билан чамбарчас боғланди. М. Миртожиев фронтда у билан қалин дўст бўлиб қолди. Шапран мудофаанинг калтис марраларига уни юборар, ўзбек йигити командири буйруқларини шараф билан бажарарди.

Совет Армияси душман вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқларимизни бирин-кетин озод қилиб, фашизмнинг уяси — Берлин томон ғолибона юриш бошлади. Катта сержант М. Миртожиев батальони ғарбга томон душманни қувиб, 1945 йил апрелида Кенигсберг (Калининград) шаҳри остонасига етиб боради.

Катта сержант М. Миртожиев Кенигсберг шаҳри остонасида жасорати учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Шу ерда у хизмат қилаётган батальон Совет Армияси Германия устидан ғалаба қозонгунга қадар жанг қилди.

1945 йил 8 май куни Рейхстаг устида Ғалаба байроғи ҳилпиради. Катта сержант М. Миртожиев 1946 йил апрелига қадар Кенигсберг шаҳрида ёш солдатларга ҳарбий таълимдан сабоқ берди.

Кўксини Ватаннинг жанговар орден ва медаллари безаган сержант М. Миртожиев 1946 йил июнь ойида она шаҳри— Тошкентга қайтиб келди.

Ҳозир у Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг 24-сартарошхонасида хизмат қилмоқда. Ойлик ва квартал планларини доимо ошириб бажаряпти. Отахоннинг қўлида касб ўрганган кўплаб шогирдлари элга хизмат қилмоқдалар.

И. ҚОБИЛОВ.



Тошкент «Геологоразведка» тажриба-механика заводи коллективи шу кунларда янада ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Съездолди мусобақасида ҳам муносиб ютуқларни қўлга киритган бу корхона меҳнат аҳли квартал план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол аъзоси И. Димчукни кўриб турибсиз.

Т. Каримов фотоси.

**Луқма**

## «Тоқатли бўлинг...»

Янги уйга кўчиб киргандан сўнг тоқатли бўлинг. Чунки янги уй янги уй-да. Етишмовчиликлари, камчиликлари бўлади.

2-Шимоли-шарқ массивида жойлашган 1-уйнинг истиқоматчилари бу уйга ўтган йилнинг 21 ноябрида кўчиб киришган бўлса ҳамки, ҳозиргача сабр қилишяпти. Янги йил оқшомини ҳам электр печкалар, плиталар атрофида кутиб олишди. Чой қайнатишга сувни-ку қўшни уйлардан олиб чиқишди, лекин сув оғизнинг ҳовури билан қайнамас экан. Чунки уйда газ ҳам йўқ.

Мана, тўртинчи ой кетяпти, истиқоматчилар «ҳуҳу»лаб туришибди.

С. САЛОҲИДДИНОВ.

**«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар**

## «Ветеранга ҳурмат шуми?»

Ўзбекистон телевидениеси, шаҳар халқ контроли комитети ва «Тошкент оқшоми» газетасининг биргаликда ўтказган рейди (1986 йил, 28 январь) ана шундай номланган эди. Мақолага Киров райпишчеторгидан қуйидаги жавоб олинди:

«Мақола 64-магазин коллективи ва район озиқ-овқат савдоси бўлимининг барча магазин мудирлари, савдо ва ташкилий бўлимлари ходимлари иштирокида ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинди. 64-магазин мудири Ш. Муҳитдинова, шу савдо шохобчасининг катта сотувчиси М. Мираҳмедов сосиска ва колбасани ўз вақтида пештахтага чиқариб қўймаганлиги учун қатъий интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Шунингдек, гўшт маҳсулотларини етказиб берадиган «Узмясомолторг» ва унинг Тошкентдаги гўшт корхонаси планда белгиланган маҳсулотларнинг ўтган йилнинг декабрь ойида деярли ярмини юбормаганлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатилди».

РЕДАКЦИЯДАН: Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши ҳақида сўз юритилди. Ҳамма жойда адолатни қарор топтириш, ишчанлик муҳити яратиш, камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасизликни кучайтириш ҳаққоний равишда талаб қилинди. Ҳар бир ходим, хизматчи қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар, ўз ишига садоқат кўрсатиши, берилган топшириқларни виждонан, қиёмига етказиб адо этиши талаб қилинмоқда. Бироқ Киров райпишчеторги директори А. Исломов ва партия бюроси секретари У. Шокировларнинг редакцияга йўллаган жавоб хати юзаки. 64-магазинининг катта сотувчиси М. Мираҳмедовнинг сосиска ва колбаса билан бирга гўштни ҳам беркитиб қўйганлиги жавобда кўрсатилмаган. Совет савдо қоидасини бузган М. Мираҳмедов, магазин мудири Ш. Муҳитдиновалар қатъий интизомий жавобгарликка тортилди, деб жавоб қилинган. Ваҳоланки қандай жавобгарликка тортилгани конкрет кўрсатилмаган. Бундай жавоб билан ҳеч қандай нуқсонларни бартараф этиб бўлмайди.

**Редакция почтасидан**

## Озодалик—туман бойлик

Ҳамма ерда ҳам ободончиликка тўғри риоя қилинмаётир. Ирригация шохобчаларидан чиқариб ташланган чиқиндилар ҳафталаб кўча четларида ётибди. Яна бунинг устига кўча юзидаги махсус майдончаларга ташланган чиқиндилар бир неча кунлаб олиб кетилмаётир. Бунга мисол тариқасида биз яшаб турган Собир Раҳимов районидаги 1-Чимбой кўчасининг Хўжалик ва Омонат проездларини, София проспекти билан Сағбон кўчаси кесишган жойдаги майдончани кўрсатиш мумкин.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайки, чиқиндилар тўкиладиган махсус майдончага аҳоли кечқурун, қоронғу тушгандан кейин чиқиндиларни чиқариб ташлаши керак. «Автодормехбаза» машиналари эса эрталаб барвақт келиб, ана шу чиқиндиларни олиб кетиши лозим. Кўпинча одамлар бу қоидага амал қилмасдан чиқиндиларни кундуз кунлари олиб чиқиб ташлашмоқда. Биз бундайларга нисбатан ҳам муросасиз бўлишимиз лозим.

М. КАРИМОВ,
хизматчи.

## «Сергели - 1»—ўгайми?

Бизнинг «Сергели-1» массивида 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Массивнинг қурилганига салкам етти йил бўляпти. Уй-жойларнинг кўркамлиги, кўчаларнинг ободонлаштирилганини ҳисобга олмаганда, бу ерда аҳоли эҳтиёжини қондирувчи бошқа қулайликлар деярли йўқ. Ҳанузгача озиқ-овқат ва сут маҳсулотларини, сабзавот-меваларни уч-тўрт бекат наридан харид қилиб келишга мажбур бўляпмиз. Массивимизда ана шундай маҳсулотлар билан савдо қиладиган магазин, дўконларни очиш эса ҳали-бери тегишли ташкилотлар раҳбарларининг хаёлига келмайдиганга ўхшайди.

Тўғри, массивдаги бозорчада аҳён-аҳёнда баъзи маҳсулотлар келтириб сотилади. Бу ерда биргина нон магазини борлигини ҳам эслатиб ўтиш керак. Бу магазинда кўпинча нон бўлмайди ёки борлари ҳам сифатсиз бўлади. Нархи 20 тийинлик булка нонлар, батон нонлар умуман келтирилмайди.

Массивдаги ноқулайликлардан яна бирига алоҳида урғу бериб ўтишга тўғри келади. Бу ҳам бўлса транспорт масаласи. Массив аҳолисининг аксарияти Чилонзор томонга ишга қатнайди. Лекин айнан массив билан Чилонзорни боғлайдиган транспорт маршрутлари йўқ. 19-троллейбус, 18-маршрутли такси ва 75-автобуслар бизнинг массивни четлаб ўтади. Натижада кўнгилни хижил қиладиган оворагарчиликлар содир бўлмоқда.

У. ТОИРОВ, Ф. ФОЗИЛОВА, Т. САХИНА, Э. КАНЦЕРОВА. Жами 24 имзо.

**Акс садо**

**«ЙЎЛДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР»**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛЬ.

## Парк тўла, маршрутда-чи?..

Эрталаб соат 9 бўлмасданоқ Образцов станциясида трамвайлар турнақатор бўлади. Йўловчиларнинг қувончи чексиз бўлиб, бекатда турган трамвайларга чиқиш учун шошиладилар. Афсуски...

— Трамвай паркка боради, — ҳайдовчиларнинг бу хилдаги эълонлари бир зумда йўловчиларнинг ҳафсаласини пир қилади.

Ҳа, ҳар куни соат 9—10 лар ўртасида маршрутдаги 1, 2, 10-трамвайлар паркка ошиқади. Мана бир неча мисол: 12 февраль куни 1-маршрутдаги «1215» номерли трамвай худди орқадан биров қуваётгандай бекатларда тўхтамай ўтиб кетди. Орадан 5 минут ўтар-ўтмас, «1504» номерли 1-трамвай йўловчиларни олиб кетади ва парк эшигига етгач ҳайдовчининг:

— Трамвай паркка киради, олдиндаги «1215» номерли трамвай боради, тушинглар, — деган «жарангдор» овози эшитилди... Ёки:

13 февраль куни яна Образцов станциясидаги диспетчернинг «олийжаноблиги» тутиб, бир йўла «1504», «1245» номерли 1-маршрутдаги трамвайларни паркка киритишга рухсат бериб юборади. Бунинг ўртасида 2, 10-маршрутдаги трамвайлардан ҳам «сахийлигини» аямайди.

Бундай воқеалар 1-депога қарашли Образцов станциясида ҳар куни такрорланади. Бу ерда диспетчер фақат томошабин ролини ўйнайди, холос.

1-депога кираверишдаги йўллар эрталаб, кечқурунлари маршрутдаги трамвайлар билан тирбанд бўлади. Ҳатто 1-маршрутдаги трамвайлар ўз линияси билан ҳаракат қилиши учун 15—20 минутлаб йўлдаги трамвайларнинг депога киришини пойлаб туради.

Шуни айтмоқ керакки, 1-депонинг парки трамвайлар билан лиқ тўла. Лекин маршрутга чиқарилган трамвайлар сони паркдагидан анча оз. Бунинг натижасида маршрутларда графикдаги трамвайлар кўринмайди.

И. РУСТАМОВ,
хизматчи.

## Ҳайдовчилар қани?

Биз, 36-маршрут билан ишга қатнайдиган йўловчилар шу маршрутда ишлайдиган баъзи бир ҳайдовчилардан ранжимоқдамиз. 12 февраль куни «16-86 ТНИ» номерли машинада «Оқтепа» бекатидан соат 19.30 да йўлга чиқдик. Автобус «ГУМ» бекатига 7 минутда етиб келди. Пассажирлар тўла бўлишига қарамай шофёр бекатда машинани тўхтатиб ғойиб бўлди. Биз ҳаммамиз ишдан чарчаб қайтаётган ва тезроқ ўз уйимизга етиб бориш ниятида, қолаверса вақтида овқатланиб дам олсак деган умидда эдик, бироқ ҳайдовчидан дарак бўлмади. Автобусдагиларнинг тоқати тоқ бўлди. Ҳайдовчи 15 минутлар ўтгандан кейингина қайтиб келди. Биз унга «нега бизни кутдириб қўйдингиз» десак, у бўлса «мен ўз графигим бўйича етиб боришга улгураман», деб жавоб қилди.

36-маршрутда бундай воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Масалан, биз эрта билан ишга кетаётганимизда «Самарқанд дарвоза» бекатигача хотиржам етиб борамиз. «Оқтепа» бекатига қўл чўзса етадиган масофа қолганда диспетчерлик пункти бўлиб шу ергача келган машиналар 5—10 минут, баъзан бундан кўп туриб қолади. Биз ва бизга ўхшаганлар кўзимиз диспетчерлик пунктида чой ичиб ёки гап сотиб турган ҳайдовчида бўлади.

Р. АЗАМАТОВ.
Т. САТТОРОВ,
ишчилар.

## Эътибор керак

Биринчи навбатда автобуслар ишини яхшилаш керак. Улар, айниқса, эрталаблари тиқилинч бўлади. Иложи бўлса, шу йўллар устидан ўтадиган идора автобусларига «экспресс» тарзида ГАИ орқали рухсат бериш керак.

Троллейбусларнинг тўхтаб қолмаслигини таъминлаш учун назоратни кучайтириш керак бўлади.

Юқоридаги транспортлар ишини яхшилашда трамвайнинг аҳамияти жуда катта. Трамвайларнинг иш графигини тубдан яхшилаш керак. Айниқса, эрталаб соат 7.15—9.00, кечқурун 17—19 гача. Шунингдек «Ташсельмаш»ни Юнусобод, Кўкча ёки «Бирлик» билан боғловчи трамвай маршрути йўқлигини айтиш лозим. Натижада трамвайдан трамвайга ўтиш, бекатларда одамлар тўпланиб қолиши содир бўлмоқда.

Ғ. ТУРСУНОВ,
ишчи.

